

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI ҚОНУНИ

**Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Doing business” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда; №\_\_, \_\_\_\_-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **11-модда** куйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Суднинг ёпиқ суд мажлисида қабул қилинган ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб-сайтида эълон қилинишига йўл қўйилмайди”;

2) куйидаги мазмундаги **17<sup>1</sup>-боб** билан тўлдирилсин:

**“17<sup>1</sup>-боб. Соддалаштирилган тартибда иш юритиш**

**147<sup>1</sup>-модда. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида ишни кўриш**

Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш ушбу Кодексда назарда тутилган даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича, мазкур бобда белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда суд томонидан кўриб чиқилади.

**147<sup>2</sup>-модда. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар**

Даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса – беш бараваридан ошмаган даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўрилиши лозим.

Даъвогарнинг илтимосномасига кўра жавобгарнинг розилиги билан ёки суднинг ташаббусига кўра тарафларнинг розилиги билан бошқа ишлар ҳам, мазкур модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўлмаган тақдирда, соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин.

Корпоратив низолар бўйича ишлар ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўрилишига йўл қўйилмайди.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида ишни кўришда, агар учинчи шахснинг ишга киришиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилган бўлса, мазкур бобда белгиланган қоидалар бўйича кўриб чиқилиши мумкин бўлмаган қарши даъво қабул қилинган бўлса ёхуд суд тарафлардан бирининг илтимосномасига кўра куйидаги хулосага келса:

1) соддалаштирилган иш юритиш тартиби давлат сирининг, тижорат сирининг ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирнинг ошкор қилинишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида;

2) далилларни улар турган жойда кўздан кечириш ва текшириш, экспертиза тайинлаш ёки гувоҳ кўрсатувларини эшитиш зарурлиги тўғрисида;

3) билдирилган талаб бошқа талаблар билан боғлиқлиги, жумладан учинчи шахсларга нисбатан эканлиги ёки мазкур иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати билан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилиши мумкинлиги тўғрисида;

4) соддалаштирилган иш юритиш тартибида ишни кўриш одил судлов мақсадларига мувофиқ эмаслиги тўғрисида, жумладан суд томонидан қўшимча ҳолатларни аниқлаш ёки қўшимча далилларни ўрганиш зарур деб топилган тақдирда, суд ишни даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ишни даъво ишини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўриш тўғрисидаги ажримда ишда иштирок этувчи шахслар бажариши лозим бўлган ҳаракатлар ва ушбу ҳаракатларни бажариш муддатлари кўрсатилади. Ажрим чиқарилгандан сўнг ишни кўриш бошидан бошланади.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, бири мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабларга оид бўлган, бошқалари эса уларга оид бўлмаган бир нечта талаб билдирилган тақдирда, барча талаблар даъво тартибида кўрилиши лозим.

### **147<sup>3</sup>-модда. Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш бўйича даъво аризасига доир талаблар**

Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш бўйича даъво аризаси ушбу Кодекснинг 149-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш бўйича даъво аризасига ушбу Кодекснинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар, шунингдек даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг жавобгарга топширилганлиги ҳақидаги хабарнома, даъвогарнинг соддалаштирилган иш юритиш тартибида ишни кўриш ҳақидаги илтимосномаси илова қилинади.

### **147<sup>4</sup>-модда. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида ишни кўриш хусусиятлари**

Суд даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқариб, унда иш соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўрилишини белгилайди.

Жавобгар даъво аризасининг кўчирма нусхаси унга топширилган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда даъво аризаси юзасидан далиллар ва ҳужжатлар илова қилинган ёзма фикрини судга тақдим этиши шарт. Ёзма фикрга унинг кўчирма нусхасини даъвогарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Даъво аризаси юзасидан ёзма фикр жавобгар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга ишнчнома илова қилинади.

Даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар томонидан ёзма фикр тақдим этилмаслиги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Белгиланган муддат ўтганидан кейин судга келиб тушган ёзма фикр, далиллар ва бошқа ҳужжатлар, агар уларни белгиланган муддатда тақдим этишнинг имкони бўлмаганлиги тараф томонидан асослантирилган бўлса ва улар суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар келиб тушган бўлса, қабул қилинади.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш судья томонидан якка тартибда, ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўришга ўтиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда кўрилади.

Ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриш муддати узайтирилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу Кодекс 244-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолат мустасно.

Суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни ёзма фикр, далиллар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари ўтганидан кейин, тарафларни чақиртирмасдан кўриб чиқади.

Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён қилинган тушунтиришларни, эътирозларни ва (ёки) важларни текширади, ёзма далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради ва ҳал қилув қарори қабул қилади.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни кўришда ушбу Кодекснинг 171-моддаси ва 23-бобида назарда тутилган қоидалар қўлланилмайди.

#### **147<sup>5</sup>-модда. Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш бўйича ҳал қилув қарори**

Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш бўйича ҳал қилув қарори ушбу Кодекснинг 21-бобида белгиланган қоидаларга кўра суд томонидан қабул қилинади.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш бўйича ҳал қилув қарори ихтиёрий тартибда дарҳол ижро этилиши керак.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш бўйича ҳал қилув қарори агар апелляция шикояти (протести) берилмаган бўлса, у қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Суднинг ҳал қилув қарори ихтиёрий равишда ижро этилмаган тақдирда ижро варақаси берилади.

Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда суднинг ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради”;

#### **3) 156-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Ишда иштирок этувчи шахс даъво аризаси юзасидан даъвога қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ёзма фикрини ишда иштирок этувчи шахсларга ёзма фикрнинг ҳамда уларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далилларни ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кун ичида судга юборишга ҳақли”;

#### **4) 165-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Иш бўйича биринчи суд мажлиси ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши лозим”;

**иккинчи–тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи–бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **168-модданинг биринчи қисми** “ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини, экспертларнинг хулосаларини, мутахассисларнинг маслаҳатларини (тушунтиришларини) эшитади” деган сўзлардан кейин “(содалаштирилган иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар бундан мустасно),” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги **192<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**“192<sup>1</sup>-модда. Ҳал қилув қарорини эълон қилиш**

Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори тарафларнинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб-сайтида эълон қилинади”;

7) **262-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Суднинг содалаштирилган иш юритиш тартибидаги, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятини (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида берилади”;

8) **274-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Апелляция шикоятини (протести) бўйича биринчи суд мажлиси апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши лозим”;

**иккинчи–учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи–тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

9) **277-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Суднинг содалаштирилган иш юритиш тартибидаги, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини (протести) у судга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади”;

10) **297-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Кассация шикоятини (протести) бўйича биринчи суд мажлиси кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши лозим”;

**иккинчи–учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи–тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

11) **319-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Назорат тартибидаги иш бўйича биринчи суд мажлиси назорат шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов

хайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши лозим”;

**учинчи–саккизинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи–тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

12) **332-модда**қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза бўйича биринчи суд мажлиси аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай ўтказилиши лозим”;

13) **334-модданинг иккинчи қисми** “чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги ажрим” деган сўзлардан кейин “шунингдек соддалаштирилган иш юритиш тартибидagi ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**